

Аннотация

Ушбу диплом лойиҳа ишида ўрик цукати ва шафтоли мураббоси ишлаб чиқариш цехини технологик ҳисоби ишлаб чиқаришни технологик лойиҳалаш, технологик схемаларни тўғри тузиш тартиби, цехдаги иш жараёнини тўғри ташкил этиш, хом-ашёларни танлаш, олиб келиш жадвали, якуний маҳсулотни тайёрлаш жараёнигача бўлган иқтисодий самарадорлик берилган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ

Технология факультети

“Эксперт”
Молия иқтисод ишлари бўйича
проректор
_____ доц. Н.Нарзуллаев
“ _____ ” _____ 2015 й.

Факультет декани
_____ доц. Д.Ахунов
“ _____ ” _____ 2015 й.

Озиқ-овқат технологияси кафедраси

ДИПЛОМ ЛОЙИҲА ИШИ БЎЙИЧА

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

МАВЗУ: Смена қуввати 35 м.ш.б ўрик цукати ва шафтоли мураббоси ишлаб чиқариш цехини технологик ҳисоби.

Диплом лойиҳа ишини бажарди:
5321000- Озиқ-овқат технологияси
таълим йўналишининг 4-курс
17-ООТ-11 гуруҳ талабаси

_____ **Нишонов Б.**

Кафедра мудири

_____ доц. Ш.Атаханов

Диплом лойиҳа иши раҳбари:

_____ **Ш. Атаханов**

Наманган -2015

Мундарижа

	Кириш	5-8
I	Асосий қисм	9-13
II	Технологик қисм	14
1.1	Хош-аше тавсифи	14-15
1.2	Технологик схема танлаш ва унинг баёни	16-20
1.3	Хом-ашё хисоби	20-31
III	Иқтисодий самарадорлик	32-36
II	Атроф-мухит муҳофазаси	37-43
V	Хаёт фаолияти хавфсизлиги	44-46
VI	Хулоса	47-48
VI	Фойдаланилган адабиётлар	49-51

I

К И Р И Ш

КИРИШ

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўтган 24 йили давлатимиз ва халқимиз ҳаётида кенг қўламли ислохотлар, улкан янгиланиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилган давр сифатида тарих зарварақларидан жой олди. Истиқлол шарофати билан халқимиз ўз тақдирини ўзи белгилашга муваффақ бўлиб тараққиёт йўлимининг “Ўзбек модели” ишлб чиқилди. Айниқса, асосий эътибор мустақил тараққиётимизнинг ўтган йиллари ўзининг маъно – мазмуни ва моҳиятига кўра инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш холини турмуш даражасини ошириш, фуқароларга муносиб ижтимоий – иқтисодий шарт шaroитлар яратиб беришга ва шунга мувофиқ муҳим аҳамияга молик дастурларнинг қабул қилингунча қаратиб келинди. Шунингдек, фуқаролик жамиятининг негизи бўлмиш оила институтининг ҳар томонлама мустаҳкамлаш ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялаш Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган сиёсатнинг устивор йўналишларидан бирига айланди. Айни дамда, ўзбек халқи маданий – маърифий меросининг тикланиши, меҳр оқибат, инсонпарварлик, саховат каби сўнмас қадриятларнинг янада ривожлантиришни мамлакатимиз юксалишига замин бўлди.

Чиндан ҳам, бизнинг меваларимиздан татиб кўрган ҳар қандай одам, ўйлайманки, мазнининг фикримга қўшилади. Барчамиз ҳам ўз юртимизда йэтиштириладиган мева-сабзавотларни хуш кўраимиз, албатта. Бироқ, дунёнинг ҳар бир гўшасида ҳам шундай қулай об-ҳаво, иқлим, тупроқ шароитлари мавжуд эмас. Бундан ташқари, бу борада олимлар ҳозиргача аниқ таърифлаб бера олмайдиган кўпгина бошқа бир-бирига бог‘лиқ омиллар ҳам борки, уларнинг ҳар қайсиси ўзгача та‘сирга эга. Бу маҳсулотлар фойдали микроэлементларга жуда бой ва қадимда Ибн Сино турли касалликларни даволаш учун айнан мева ва сабзавотлардан фойдаланган, Чунки у замонларда кимёвий дори-дармонлар мавжуд бўлмаган, беморлар табиий воситалар ёрдамида даволанган. Бу эса энг аввало сабзавот, , турли гиёҳ ва ўсимликлардир. Бугунги кунда ҳам қишлоқларимиздаги халқ табиблари бундай воситалардан қандай фойдаланиш, ба‘зи бир хасталикларни қай усулда даволашни яхши биладилар. Мэн сизларни бизнинг мева-сабзавотларимизни татиб кўришга таклиф қилар эканман, авваламбор, уларнинг ана шу хусусиятларини назарда тутаман.

Экспертларнинг маълумотларига кўра, бизнинг шароитимизда йэтиштирилган мева-сабзавотлар бебаҳо истеъмол хусусиятлари, яъни таркибида табиий шакар, аминокислоталар, витаминлар, органик кислоталар, саломатлик учун энг муҳим бўлган микроэлементлар ва озиқ-овқат рационалида ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги билан

бошқа минтақаларда йетиштирилган ана шундай маҳсулотлардан сезиларли равишда юқори туради.

Ўзбекистонда йетиштириладиган мева ва сабзавотларнинг фақат уларга хос бўлган хусусиятлари ва тўйимлилиқ даражаси ҳақида гапирганда, шуни қайд этиш керакки, мамлакатимиз селекционерлари сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг 170 дан ортиқ навини, мева ва резавор экинлар ва узумнинг 175 та янги навини яратдилар.

Ўзбекистон қадимдан ўзининг ўрик, шафтоли, олхўри, нок, гилос, анжир, анор, беҳи, узум, помидор, бодринг, пиёз, саримсоқ пиёз ва бошқа кўплаб мева ва сабзавотлари, бекиёс мазаси ва хушбўй ҳиди билан ажралиб турадиган қовунлари билан маълуми машҳурдир.

Ўзбекистонда шаклланган кўп асрлик ан'анавий сабзавотчилик ва боғдорчилик маданияти азалдан маҳаллий ўғитлардан фойдаланишни кўзда тутадиган биологик дэхқончилик принципларига асосланган. Бу генларни модификация қилиш технологияларини қўлламасдан, жуда мазали таъмга ва истеъмол хусусиятларига эга бўлган экологик тоза мева ва сабзавотлар йетиштириш имконини беради. Айни масалага алоҳида тўхталиб ўтиш мумкин, лекин бу мавзу дунёда анчагина долзарб бўлиб, шу ҳақда турли, баъзан ҳатто қарама-қарши фикрлар ҳам мавжуд. Менинг назаримда, генларни модификация қилиш технологиялари, умуман олганда, яхши ниятда юзага келган, яъни ҳосилдорлик ҳажмини оширишга қаратилган. Лекин, бундай технологиялар инсон саломатлигига зиён йетказмаётгани, ўн ёки йигирма йилдан кейин салбий оқибатларни келтириб чиқармаслиги аниқ исботланмагунга қадар, мен бу масала билан ҳозир фаол шуғулланаётганларга бу ишларга жуда бэрилиб кетмасликни тавсия қилган бўлардим. Бунда, ўйлашимча, энг аввало тижорат, ҳатто егоистик мақсадлар кўпинча устунлик қилади. Менинг шахсий фикрим шуки, бу масала устида ҳар томонлама чуқур ўйлаб кўриш лозим.

Мамлакатимизнинг қудратини белгиланадиган омиллар кўп. Бироқ уларнинг энг асосийларидан бири шу юртда вояга етаётган юксак маънавиятли, жисмонан соғлом ҳар томонлама баркамол авлоддир. Зеро эл – юртнинг келажаги бутун камолга етаётган ёшлар кўлида “Ватамизнинг келажаги халқимизнинг эртанги куни”, малакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў – эътибори авваламбор фарзандларимизнинг ўқиб – ўсиб улғайиб қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боргунча боғлиқдир, шундай деб таъкидлайди Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият - енгилмас куч” китобида.

Ана шу эзгу мақсадларни амалга ошириш мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлида давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан этиб белгиланади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ёш авлодни юксак интеллектуал салоҳиятли, замонавий

билим ва тафаккурга эга айни пайтда соғлом турмуш тарзига риоя қиладиган жисмонан соғлом рухан тетик инсонлар этиб вояга этказишнинг сомарали тизими хаётга изчил тадбиқ этилмоқда. Бу жараёнда ўғил қизларимизнинг соғлиги кучли ирода ва юксак интеллектуал салохиятга эга инсонлар этиб тарбиялашнинг бош омили ўзбек спортининг юксалтиришнинг асоси бўлган болалар спортини ривожлантириш умуммиллий ҳаракатга айланди.

I. Асосий қисм
Хом ашё тавсифи
Ўрик

Ўрик март ва апрел ойларида гуллайди, мевалари июнь, июль август ойларида пишади.

Озиқ овқат саноатида ўрик меваларининг данаклари елимлари мевалари ишлатилади.

Бизнинг Республикамизда ўсадиган туршакбоб ўриклардаги углеводлар миқдори 79 % гача етади, буларнинг 99 % гача қисми сахарозага келади. Таркибидаги витамин А жихатидан ўрик исмалоқ, тухум сариғидан қолишмайди. Лекин витамин С ўрикда камроқ бўлади.

Ўрик мағзида 30-40 % гача ёғ бор, овқатга ишлатилса бюўладиган ўрик мойи шу мағиздан олинади.

Меваларида лимон кислоталари 20 % дан ортиқроқ оксиллар 1 % гача моддалар, минерал тузлар, микро элементлар мавжуд.

Ўрик таркибида 20-27% гача қанд моддаси олма лимон кислоталари, А приваталини (карантин), С ва В₁₅ дармондорлари мавжуд. У шунингдек, калий тузларига (янги мевада 305 мг %, қурилганда 17 мг % калий бўлади), тамга бой. Ўрик абрикос юрак – қон томир бўйрак семириш касалликларига шифобахс таъсир кўрсатади. Қурилган туршак ва барглари зарарли омилларни организмдан хайдовчи воситадир.

Одатда ўрик меваси сархилилигига ёки қоқи сифатида (туршак, баргак) истемол қилиниши билан бирга ундан шарбат тайёрлаб ичиш мумкин. Ўрик қайси кўринишда истемол қилинишидан қатий назар, ўзининг шифобахслик хусусиятларини намоён этмасдан фойлари ҳисобланади.

У кишига дармон бағишлайди, камқонлик билан оғрийлиган кишиларга даво бўлади. Ўрик таркибида мавжуд бўлган калий тузи брақ қон томир системаси касалликлари балн оғриган беморларга нафли ҳисобланади. Ўрик шарбати таркибида дрмон дори, витаминлар ҳам яхши сақланиш туфайли изтиробли хасталикларни бошдан кечирган, ҳолсизланган беморлар учун жуда фойдалидир. Ўрик ва унинг қоқилари чики юриштирувчи, мулойим сурчи сифатида ҳам ишлатилади.

У фосфор ва магнийга бой бўлиб миянинг фаол ишлашига таъсир кўрсатади, ҳамда мустаҳкамлаш хусусиятига эга. Олимлар унинг мия қон томирларига аниқ ижобий таъсир кўрсатишини аниқладилар. Шунингдек ўрик (абрикос) хотирани яхшилаб, юрак фаолияти учун зарур микрокалийга бой гемоглбин ва қонни кўпайтириб организмнинг қаршилиқ

кўрсатиш қобилятини оширади, камқонликка яхши даво бўлади. Шарбатни тайёрлаш учун ўрикнинг данакларини олиб ташланиб бир жинсли масса ҳосил бўлгунча эзилади.

Ўрикнинг данаги чақилиб мағзи майда тишли қирғичдан ўтказилиб бояги масса аралаштирилади. Устига шакар солиниб 2 соат қўйиб қўйилади. Сўнгра совуқ сув қўшилиб, аралаштирилади ва яна бир соат қўйиб қўйилади, сузиб олинади. Тушган сувни қанд шарбати билан аралаштириб оловга қўйилади ва 5 дақиқи қайнатилиб кейин оловдан олинади, совутиб шишаларга қўйилади. Оғзи беркитилган холда салқин жойда сақланади.

1 – литр ўрик шарбати 300-400 гр ўрик $\frac{3}{4}$ стакан шкар 1.5 стакан қанд шарбати, 1 сатакан сув солинади.

Шафтоли.

Тарқалганлиги бўйича ўрикдан кейинги ўринда туради. Ўрикдан катталиги, этининг кўпроқ шарбатлилиги ва хушбўй ҳидга эгалиги билан фарқ қилади. Шафтолилар асосан хўраки мева тарзида истеъмол қилинади. Шунингдек, улар мураббо, шарбатлар, компотлар олишда ҳам ишлатилади. Кимиёвий таркиби бўйича ўриikka яқин туради.

Шафтолилар мева сиртининг ҳолатига қараб тукли ва туксиз, данагининг ажралишига қараб эса данагидан осон ажраладиган ва данагидан ажралмайдиган, этининг рангига қараб эса оқ ва сариқ этли турларига бўлинади.

Шафтолиларнинг ўртача кимёвий таркиби қуйидагича (%): сув-86,5; қанд-9,5; кислоталар-0,7; ошловчи моддалар-0,02; оксил-0,55; пектин моддалари-0,8; клетчатка-0,9. Шафтолида қандлардан сахароза, органик кислоталардан эса олма кислотаси кўпроқ бўлиши аниқланган. Шафтолида С витамини кўп бўлмасада, сариқ этли шафтоли мевалари каротинга бой (0,5-0,8 мг %) ҳисобланади.

Республикамизда энг кўп тарқалган шафтоли навларига Авангард, Ватан, Зафар, Оқшафтоли, Анжир шафтоли, Лола, Малиновий, Эльберта, Старт, Фарход, Ширин, Сальвей навлари киради.

Сифат кўрсаткичлари бўйича шафтолилар ҳам 1-чи ва 2-чи товар навларига бўлинади. Товар навини белгилаётганда меванинг ташқи

кўриниши, пишиб етилганлиги, катта-кичиклиги, қай даражада механик зарар кўрганлиги, шунингдек зараркунандалар ва касалликларнинг қанчалик таъсир этганлиги асос қилиб олинади.

Шакар

Шакар (қамиш шакари, лавлаги шакари). Уни гидромизланиши пайтида глюкоза ва фруктоза хосил бўлади.

Демак шакар момкуласи глюкоза ва фруктоза қолдиқларидан ташкил топган. Сахароза молекуласи тузишда глюкоза ва фруктоза ўзларининг ярим ацетал гидроксиллари билан қатнашади. Сахароза қайтарувчанлик хоссасига эга бўлмаган қанд. Шакар – жуда кенг тарқалган бўлиб, овқатланишда ва озиқ овқат саноатида кенг қўлланилади. Ўсимликларнинг баргларида пояларида, меваларида, дуккакларида учрайди. Лавлагида 15 дан 22 % гача сахароза, шакарқамишда 12-15 % гача учрайди, шакарқамиш ва қандловчи сахарозанинг асосий манбалари ҳисобланади, бу ердан унинг номлари келиб чиқади – қамиш ёки лавлаги шакари.

Шакар миқдори картошкада 0.6 % пиёзда 6.5 %, сабзида 3.5 %, лавлагида 8.6%, қовунда 5.9%, ўрик ва шафтолида 6.0 %, апелсинда 0.5% ни, узумда 0.5ни ташкил этади. Унинг миқдори заранг ва палма шарбатларида маккажўхорида кўп 1.4-1.8 % га тенг.

Шакар сувсиз яхлит кристаллар кўринишида кристалланади. Унинг сувли эритмасининг нисбий бурилиши $+66.5^0$ Сахароза гидромезланганда глюкоза ва фруктоза хосил бўлади. Фруктоза глюкозанинг ўнг бурилишига ($+52.55^0$) нисбатан кучлироқ чап бурилиш бурчаги ўзгаради. Сахарозанинг гидролизи инверсия (айлантириш, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтказиш) номини олган, турли хосил бўлган глюкоза ва фруктозанинг аралашмаси инвест қанд дейилади. Сахароза (гидролездан кейин) ачиткилар ёрдамида бижўнтилади, эриш ҳароратидан юқори ($160-186^0\text{C}$) ҳароратда қиздирилганда эс карамелланади, яъни мураккаб маҳсулотлар : карамелан $\text{C}_{24}\text{H}_{36}\text{O}_{18}$, карамелен $\text{C}_{36}\text{H}_{50}\text{O}_{25}$ аралашмасига айланади, бунда сувни йўқотади. Бу маҳсулотлар “колер” номи остида ичимликлар ишлаб чиқаришда ва коньяк ишлаб чиқаришда тайёр маҳсулотларни бўйлаб учун ишлатилади.

Шакар ва ширинликларни ҳаддан ташқари кўп истемол қилиш кўпинча касалликларга олиб келади. Шакар учун “оқ ўлдирувчи”, “Ширин захар”, “озуқавий ахлат”, “бўш калория” ва бошқалар турли терминлар ўйлаб топилган.

Джон Юдкиннинг “Тоза, оқ ва ўлимли” китоби бутун дунёга тарқалган. Шунинг айтиш керакки охириги йилларда ривожланган мамлакатларда шакарни ишлатилиши 20 мартага кўпайган, яъни аҳолининг жон бошига йилига 2 кгдан 40 кг гача шакар тўғри келади. Шакарни озгина миқдори бардамлаштирувчи таъсир кўрсатиши мумкин. Бу сахарозада ва серотиннит аловаси билан боғлиқ.

Серотин – биологик актив модда, у биоген амиллар гуруҳига киради. Қонда серотин ўсимлик яхши кайфият билан эмас, яъни диққатлик ошириш билан белгиланади, шунинг учун қондаги сиротинни камайтириш учун дори дармонлар қўлланилади. Бу глюкоза бўлиши мумкин, у сахароза гидролизга учрагани хосил бўлади. Балансланган овқатланиш принципларга амал қилинганда инсонга углеводлар зарурлиги шунингдек, авваламбор енгил хазм қилинадиган энергетик ҳаракатлар билан белгиланади. Жисмоний ишлар билан каи шуғулланадиган инсон углеводни кўп истемол қилса углеводни етга айланиши юз бериб, бу инсоннинг семириб кетишига олиб келади. Шунинг учун охириги вақтларда паст калорияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш муаммоси туғилган. Инсон ҳаёти учун хавфли бўлган кўп касалликлар қатори (мисол учун қандли диабет) кўп шакар истемол қилиш хавфли бўлганлиги учун шакар ўрнини босадиган моддалар ишлаб чиқариш зарурияти пайдо бўлди, бунинг учун табиий ва синтетик ширинлаштирувчи моддалар ишлаб чиқарилиши мумкин. Олдиндан маълумки ёш болалар ва катталар шакарни кўп истемол қилиш аллергия касалликларга олиб келади.

БЖССЖ (бутун жаҳон соғлиқни сақлаш жамияти) маълумотларига қарганда шакарни кунлик истемоли 50 – 60 гр бўлса ҳар 100000 аҳолига нисбатан олинганда юрак касаллигидан 23 киши, 125-135 гр истемол қилинса 235 кишининг ўлимига олиб келади. Шунинг учун шакарни яхши тозалаш керак. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, олиб ташланган қўшимчалар таркибида фойдали актив моддалар бор. Мисол учун тозаланган (рафинадланган) шакарда хром умуман йўқ у микроэлемент қаторида олмашунувида қатнашади ва баъзан юрак касалликларини бартарф этади.

Яна кўп фактлар келтириш мумкин: ҳозирги пайтда углеводлар яхши хазм бўлганлиги учун кўп миқдорда истемол қилиш тавия этилади. Ҳаммага маълумки болалар овқатида катта миқдорда углеводлар бўлади, енгил хазм қилинади. Ёш болалар ва вояга етган болаларни катталарга қараганда енгил хазм бўладиган углеводларга талаю катта лекин болалар шакарни кўп истемол қилишининг зарари бор. Шунинг учун енгил хазм бўладиган шакардан ширин лекин кам калорияли моддалар кам шунинг учун ўрнини алмаштириш муаммоси туғилади.

II. Технологик қисм


Технологик схема танлаш.

Технологик жараёни тасдиқланган консерва ишлаб чиқариш инструкциялари асосида тажрибада синаб қўрилган адабиётлардаги маълумотларни, ҳамда илғор технологияларни ҳисобга олган ҳолда тузилади. Технологик жараён схемаларини танлашда қуйидаги талабларни ҳисобга олиш зарур:

1. Лойихаланаётган технология юқори сифатли маҳсулот тайёрлашни таъминлаш лозим;
2. Маҳсулот чиқиш максимал яъни хом ашёлар чиқинди ва йўқотиш ва чиқитлар минимал бўлиши лозим;
3. Танланган технологик схема максимал унумдорликни таъминлаш ва узлуксиз ишлаши зарур;
4. Танланган технологик схема ишлаб чиқариш жараёнини максимал механизацияланган ва оптималлаштирувчи жихозлар билан таъминлаш зарур;
5. Танланган технологик схема оддий ва шунингдек мураккаб аппаратлар, танқис материалларни талаб қилмаслиги керак;
6. Технологик схема электр энергияси, буғ сув ва ишчи кучини минимал солиштира сарфини таъминлаши зарур;
7. Кўп меҳнат талаб қиладиган оғир жисмоний ишларни ўз ичига олган схемалар ҳамда жуда катта ишлаб чиқариш майдонларини талаб қилувчи схемалар қўлланмаслиги керак.

Шу талаблар асосида консервалаш цехининг ассортиментидаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун қуйидаги технологик схема танлаймин.

ЎРИК ЦУКАТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИК СХЕМАСИ



ТЕХНОЛОГИК СХЕМАНИ АСОСЛАШ.

Олиб келиш – Ўрик хом ашё майдонларидан ишлаб чиқариш корхоналарига 10 кг ли яшиқларда автотранспортларда ташиб келтирилади.

Сақлаш – Ўрикни хом ашё майдонларида 12 соатдан ортиқ сақлаш тавсия этилмайди.

Инспекция навлаш – ишлаб чиқариш учун олиб келинган хом ашёни чириган, эзилган, пишмаган ва талабга жавоб бермайдиган ўриклар джем ишлаб чиқариш учун узатилади.

Ювиш – навлашдан сўнг хом ашё вентелятор ювиш машинасида тозалаб ювиб олинади.

Қайнатиш – 65 % сиропда 10 минут давомида 74.6 кПа босимда 200 мм симоб 4 босқичда олиб борилади. Қайнатилган махсулот 1 соат давомида сиропда совугунгу ушлаб турилади. Бунда қанд мева ичига ўтиб сурилади. Қайнатиш ва совуш 2 маротаба такрорланади. Қайнатиш сиропда эрувчан қуруқ моддалар миқдорида 78 % меваларда 70 – 72 % га етганда қайнатиш тўхтатилади.

Сиропда ажратиш ва глазирлаш – тайёр мураббо 5 мм тешикли элакд сиропидан тўла ажратиб олинади. Сиропи силкиган мевалар протовентларда 3 соат тургандан сўнг мевалар глазирлаш учун 12 – 18 соат қурилади. Ишлатилган сироп бошқа мевалар консервалари ишлаб чиқариш учун юборилади. Қурилган мевалар устига массасига нисбатан 15 % эланган шакар сепилади. Бу жараён меваларни айлантриб турувчи роликли транспортларда амалга оширилади. Шакар сепилган мевалар 50 – 70 % С хароратда 14 – 17 % намлик қолгунча қурилади.

Қадоқлаш – тайёр цукатлар 100, 200, 250, 500, 1000 граммли безак берилган картон кутиларга қадоқланади.

Стерилизация – стерилизация жараёни автоклавда амалга оширилиб 20-20-20/100 2 ам формуласи асосида олиб борилади.

Шафтоли ишлаб чиқариш учун танланган технологик схемалнинг тавсифи.

Олиб келиш – Шафтолини 10-12 кг ли яшикларда корхонага олиб келинади.

Механик таъсирга чидамсиз бўлганлиги сабабли, транспортировка вақтида эҳтиёткорлик талаб қилинади.

Қабул қилиш

Сақлаш – хом ашёни сақлаш майдонида 8 соат давомида сақланади ва кейинги жараёнга узатилади.

Инспекция – бу жараёнда ёд жисмлар олинган ва пишмаган мевалар олиб ташланади.

Ювиш – инспекцияланган мевалар махсус ювиш машиналарида уларнинг устки ифлосликлари тозалангунча қадар ювилади. Ювишда ишлатиладиган сув Гост – 2854-73 талабларига жавоб бериши керак.


Данагидан ажратиш – ювилган хом ашё ранги ва сифатига қараб, данагидан ажратиш машинасида ажратилади.

Пишириш

Қадоқлаш – тайёр цукатлар 100, 200, 250, 500, 1000 граммли безак берилган картон кутиларга қадоқланади.

Стерилизация – стерилизация жараёни автоклавда амалга оширилиб 20-20-20/100 2 ам формуласи асосида олиб борилади.

Шафтоли мураббоси ишлаб чиқариш учун технологик схема.



Шафтоли мураббоси ишлаб чиқариш учун технологик схемасини асослаш

Пишириш – сепилган шакар шарбатда бутунлай эригунча Шафтолини паст хароратда эхтиётлик билан ковлаб турилади. Шакар эригандан сўнг, хароратни кўтариб, 5-7 минут давомида пиширилади.

Қадоқлаш – олдин ювиб тозалаб, қуритиб стерилланган 1.0 л банкаларга қайноқлигича қуйилади.

Беркитиш – банкалар стерилланган қопқоқлар билн беркитиш машинасида герметик беркитилади.

Стерелизация – тайёр мураббо (1-82-1000 шиша банкадаги) 20-20-20 минут давомида, 1.2 атм босимида стерелизацияланади.

Қуритиш – стерелизациядан сўнг, автоклавдаги сувнинг хрорати 30 – 33⁰ С бўлгунга қадар банкалардаги мураббо совутилади. Банкалар ювилади, қуритилади ва кейинги жараёнга узатилади.

Этикеткалаш – банкалар эр-2 русумли этикеткалаш машинасида этикеткаланади ва тайёр махсулот сақлаш омборига юборилади.

Сақлаш – тайёр махсулот этикеткалангандан сўнг омборхонага борилади. Омборхонада махсулот 12 қатордан юқори терилмаслиги керак. Сақлаш омбори харорати 20 % дан намлиги 75 % дан ортмаслиги керак . Махсулотлар терилган қаторга қоғоз биркалар ёпиштириш, унга чиқарилган сменаси, куни, оyi, шу партия сони ва смена технологи номи ёзиб қўйилиши керак.

ХОМ АШЁНИ КЕЛИШ ГРАФИГИ.

Хом ашё келиш (Қабул қилиш) графигини тузишда қайта ишланадиган хом ашё пишиб этиштиришни бошлаши ва тугадини асос қилиб олинади. Агар хом ашё тез пишиб этилса ва тугаса, унда ярим фабрикатларни қайта ишлаш режалаштирилади.

Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш корхоналарининг ишлаш даври 6 ой давом этади.

Юқоридаги график асосида линия цех, заводнинг ишлаш графиги тузилади. Яъни бу график бир кундаги сменалр сони, ой ва мавсумдаги сменалар сони ва шу кунини ўз ичига олади. Бунда махсулот тўла пишиб этилганда нобуд бўлмаслиги олдини олиш учун укку сменада ташкил қилишни режалаштирамиз.

Цехнинг ишлаш графиги

Хом ашё номи	Сменалар	Ойлар					Мавсумида
		Июнь	Июль	Август	Сентябр	Октябрь	
Шафтоли	1	5	5				
	2	10	31				
Кунлар		26	5				35
Сменалар сони		47	5				52
Санитария кунларини хисобга олган холда		23	4				27
Сменалар сони		41	4				45

Ўрик цукати ишлаб чиқариш учун хом ашёни келиш графиги

Ойлар	Июнь	Аюль
Хом ашё		
Ўрик	1 _____	_____ 30

Ўрик цукати ишлаб чиқариш учун смена сонини хисоблаш

Ойлар	Июнь	Июль	Жами
Хом ашё			
Ўрик цукати	1 _____ 1 _____	_____ 30 _____ 30	
Кун	30	30	60
Смена	60	60	120
Кун	26	26	52
Смена	52	52	104

Ўрик цукати ишлаб чиқариш учун цехнинг ишлаш дастури

Махсулот номи	Ойлар		Жами мавсумда
	Июн	Июл	
Шафтоли мураббоси	$35 \cdot 52 = 1820$	$35 \cdot 52 = 820$	$35 \cdot 104 = 3640$

Шафтоли мураббоси ишлаб чиқаришнинг цех ишлаш дастури

Махсулот номи	Ойлар					Жами мавсумда
	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	
Шафтоли мураббоси	$41 \cdot 35 = 1435$	$4 \cdot 35 = 140$				1575

Юқоридагиларни ҳисобга олиб биз хом ашё ва материалларга бўлган эҳтиёжни ҳисоблаймиз.

Рецептера

Хом ашё номи	Рецептера		Потоксиз қисмлар рецептураси	Қуруқ моддалар миқдори	Чиқинрди ва йўқотишлар	Сарф меъёри кг	
	Хом ашё номи	Қисмлр миқдори				Қўшилса	
						Серимизация қилинган мураббо	Серимизация қилинмаган мураббо
Ўрик			450	15	15.0	535	759
Шакар			535	99.85	2.5	607	740

$$B = \frac{A_1 m_1 + A_2 m_2 + A_n m_n}{M_{mn}} = \frac{535 \cdot 15 + 607 \cdot 99.85}{67} = 1024$$

Бу йерда $A_1, A_2, \dots, A_n$ (мевалар пеоре, шарбати, шакар, сиропни қайнатиш учун олинагн миқдори кг)

$m_1, m_2, \dots, m_n$ компонентлар таркибидаги қуруқ модда миқдори %

M_{mn} – тайёр махсулот таркибидаги қуруқ модда миқдори.

$$S = \frac{A_1 \cdot 100}{B} = \frac{535 \cdot 100}{1024} = 522 \text{ kg/t}$$

$$S_{ш} = \frac{607 \cdot 1000}{1024} = 588 \text{ kg/t}$$

$$T_{ш} = \frac{S \cdot 100}{100 - x} = \frac{588 \cdot 100}{100 - 2.5} = 603 \text{ kg/t}$$

$$T_m = \frac{S \cdot 100}{100 - x} = \frac{522 \cdot 100}{100 - 20} = 652.5 \text{ kg/t}$$

$$T = \frac{S \cdot 400}{1000} = \frac{522 \cdot 400}{1000} = 208.8 \text{ kg/мшб}$$

$$T_{ш} = \frac{S \cdot 400}{1000} = \frac{588 \cdot 400}{1000} = 235.2 \text{ kg/мшб}$$

М.ш.б учун хом ашё ва материаллар сарфи меъёрини ҳисоблаб олдик, энди 1 смена, 1 соат ва мавсумдаги керак бўладиган хом ашё ва материаллар сарфини ҳисобга оламиз. 1 соатдаги цех унумдорлиги 4.36 м.ш.б 1 сменадаги цех унумдорлиги 35 м.ш.б мавсумдаги цех унумдорлиги 3640 м.ш.б

Ўрик

$$M_{\text{КГК}}=4,36*271=1181,5 \text{ кг/к}$$

$$M_{\text{КГ/СМ}}=35*271=9485 \text{ кг/см}$$

$$M_{\text{КГ/МОВС}}=3640*271=1350440 \text{ кг/МОВС}$$

Шакар

$$M_{\text{КГ/с}}=4,36*264,4=888,4 \text{ кг/с}$$

$$M_{\text{КГ/СМ}}=35*264,4=92524 \text{ кг/см}$$

$$M_{\text{КГ/МОВС}}=3640*264,4=962416 \text{ кг/МОВС}$$

Шафтоли мураббоси ишлаб чиқариш учун хом ашё ва материаллар сарфини ҳисоблаш 1 тонна ёки 1 мшб маҳсулот ишлаб чиқариш учун хом ашё ва материаллар сарф меёрини технологик инструкцияси (йўриқномаси)лар ва рецептералардан оламиз.

Шафтоли мураббоси ишглаб чиқариш учун хом ашё сарфи.

Тартиб рақами	Хом ашё номи	Сарф меёри (1 тонна тайёр маҳсулот учун) кг да	Қурук моддалар миқдори % да	Чиқинди % да
1	Шафтоли	497	9.0	10 ⁰
2	Шакар	668	99.85	2.5

1 тонна ёки 1 м.ш.б учун хом ашё сарфи меёрини қуйидаги формулага асосан топамиз.

$$T = \frac{S * 100}{100 - x}$$

Бу ерда С-1тонна ёки 1 м.ш.б учун олинган хом ашё масаси кг.

Х-олинган хом ашёнинг жараёнлаб бўйича чиқинди ва йўқотишлар миқдори % да

$$T_{\text{МАЛИНА}} = \frac{497 * 100}{100 - 10} = 552 \text{ кг/тонна}$$

$$T_{\text{МАЛИНА}} = \frac{552 * 353,4}{1000} = 195 \text{ кг/тонна}$$

$$M=12:7 = 1.7 \text{ м.ш.б/соат}$$

Бу ерда 7 сменанинг давомийлиги;

7 соат деб қабул қиламиз.

12 – линиясининг бир сменадаги ишлаб чиқариш қуввати, м.ш.б

$$T_{\text{МАЛИНА}} = 1,74 * 195 = 331,5 \frac{\text{кг}}{\text{соат}}$$

$$T_{\text{МАЛИНА}} = 195 * 12 = 2340 \frac{\text{кг}}{\text{смена}}$$

$$T_{\text{олма}} = 2340 * 45 = 105300 \frac{\text{кг}}{\text{мавсум}} = 105,3 \text{ т/мавсум}$$

$$T_{\text{шакар}} = \frac{668 * 100}{100 - 2,5} = 685 \frac{\text{кг}}{\text{тонна}}$$

$$T_{\text{шакар}} = \frac{685 * 3524}{1000} = 242 \text{ кг/м.ш. б}$$

$$T_{\text{шакар}} = 242 * 1,7 = 411,4 \text{ кг/соат}$$

$$T_{\text{шакар}} = 242 * 12 = 2904 \text{ кг/смена}$$

$$T_{\text{шакар}} = 2904 * 45 = 130680 \frac{\text{кг}}{\text{мавсум}} = 130,7 \text{ т/мавсум}$$

Шафтоли мураббоси ишлаб чиқаришда хом ашёларни жараёнлар бўйича ҳаракати.

Хом ашё ва ярим фабрикатларни жараёнлар бўйлаб ҳаракати	Хом ашёни келиши, кг/соат	Чиқинди ва йўқотишлар	
		% да	Кг да
Сақлаш	331.5	1	3.3
Инспекция	328.2	2	6.6
Данагидан ажратиш	318.4	3.5	11.14
Пишириш	307.3	2	9.2
Қадоқлаш	298.1	0.5	1.5
Банкага келиб тушиш м.ш.б	297		

Ўрик цукати ишлаб чиқариш учун технологик жихоз танлаш.

1. Саралаш назорат конвейери ТСИ $H=1$ та , $P=4000$ кг/с, электр двигател ыеввати – 0,6 кв/с.
Габарид ўлчамлари (4544*1142*948)
2. Вентелятор ювиш машинаси ПВ-2000 $H=1$ $P=1500-2000$ кг/с Электр қуввати -2.5 кв/с
Габарид ўлчамлари (3755*1170*792) .
3. Данадан ажратиш машинаси T_1 – КОС – 15, $H=1$ та, $P=2000$ кг/с, электр қуввати – 55 кв/с.
Габарид ўлчамлари (1850*1000*1500).
4. Бланширователь, A_9 -КБГ, $H=1$ та , $P=5000$ кг/с, электр қуввати -0.55 кв/с, буғ сарфи – 60
кг/с, Габарид ўлчами(5810*1200*1650).
5. Буғлатиш аппарати М3-2с-24/м, $H=1$ та $P=4м^3$, электр двигател қуввати 2.8 кв/с, габарид
ўлчами (1500*1418*2500).
6. Сироп тайёрлаш учун икки деворли қозон, $H=1$ та $V=400$ кг
7. Сиропдан ажратиш учун сеткали ванна $H=2$ та , $V=400$ кг.
8. Қуритиш машинаси СПК-4Г-90 $H=1$ та, $P=630$ кг/с, электр двател қуввати – 102 кв/с,
габарид улчами (2100*1100*2700).
9. Қадоқлаш машинаси. М-54, $H=1$ та $P=1200-2700$ б/с электр двигател қуввати -1.7 кв/с.
Габарид ўлчами (12000*2800*4500).
10. Ёрлиқлаш машинаси ЭР-2, $H=1$ та $P=5400-7200$ б/с, электр қувват -2.1 кв/с, Габарид
ўлчами (2715*905*1240).

Технологик жихозларни танлаш ва ҳисоблаш.

Шафтоли шарбати ишлаб чиқариш линияси.

1. Лентали инспекциан транспортёр (Ад-кг-1.5).

Унумдорлиги – 500 кг/соат

$$\Pi = \frac{328,2}{5000} = 0,07 \approx 1 \text{ дона кабул киламиз.}$$

2. Габарид ўлчами, мм

6790*1190*2100, оғирлиги кг – 1050, ММКВ – 2000 маркали ювиш машинаси,
унумдорлиги – 2000 кг / соат. Габарид ўлчамлари – 1605*690*880 мм.

$$\Pi = \frac{321,6}{2000} = 0,1608 \approx 1 \text{ дона кабул киламиз.}$$

3. М8-К3П русумли Данагидан ажратиш машинаси .

Унумдорлиги – 2000 кг/соат.

Габарит ўлчамлари – 2100*860*1300 мм

$$\Pi = \frac{318,4}{2000} = 0,76 \approx 1 \text{ дона кабул киламиз.}$$

4. МЗС-24-УА русумли икки деворли пишириш қозонини танлаймиз.

Унумдорлиги – 100 кг/соат

Габарит ўлчами: 1725*1000*1225 мм

$$\Pi = \frac{307,3}{1000} = 0,31 \approx 1 \text{ дона кабул киламиз.}$$

5. НВ маркали автоматик тўлдиргичлар.

Унумдорлиги – 2100 дона / соат

Габарит ўлчами – 1690*1180*1530 мм

$$\Pi = \frac{298,1}{2100} = 0,14 \approx 1 \text{ дона кабул киламиз.}$$

6. Стерилизация учун автоматловдан фойдаланамиз (56-КАВ-2)

Ўрик цукати ва Шафтоли мураббоси ишлаб чиқариш учун сув, буғ, электр энергияси ва ишчи кучини ҳисоблаш. Сув, буғ, электр энергияси ва ишчи кучи консервалари учун берилган нормативлар асосида ҳисобланади.

Сув сарфини ҳисоблаш.

Маҳсулот номи	М.ш.б/см	М ³ /соат	М ³ /см	М ⁷ /м.ш.б	М ³ /мов

Ўрик цукати	35	74.3	595	17	61880
Шафтоли мураббоси	12				
Жами:					

Буг сарфини хисоблаш

Махсулот номи	М.ш.б/см	Кг/м.ш.б	Кг/соат	Кг/см	Кг/мов
Ўрик цукати	35	800	3500	28000	2912000
Шафтоли мураббоси	12				
Жами:					

Электр энергияси сарфини хисоблаш

Махсулот номи	М.ш.б/см	Кг/м.ш.б	Кг/соат	Кг/см	Кг/мов
Ўрик цукати	35	1.8	109	875	91000
Шафтоли мураббоси	12				
Жами:					

Ишчи кучини хисоблаш.

Махсулот номи	М.ш.б/см	Одам/м.ш.б	Кг/м.ш.б	Одам/см	Кг/см
Ўрик цукати	35	1.8	-	63	-
Шафтоли мураббоси	12				
Жами:					

Автоклав хисоби

Шафтоли мураббоси ишлаб чиқаришда стерилизация учун автоклав хисоби.

1-82-1000 банкаларга қадокланади.

$$12 \frac{\text{м. ш. б}}{\text{смена}} = 1,7 \frac{\text{м. ш. б}}{\text{соат}} = 12 \text{ ф б/минут}$$

Стерилизация формуласи қуйидагича

$$\frac{20 - 20 - 20}{100} * 1.2 \text{ атм}$$

Битта сеткадаги банкалар сони

$$нб = 0,785 * a * \frac{d_c^2}{d_b^2}; \quad a = \frac{h_c}{h_b}$$

бу ерда, d_c – автокла сеткасининг диаметри, см

d_b – банканинг диаметри, см

h_c – банканинг баландлиги, см

h_b – сетканинг баландлиги, см

$$a = \frac{h_c}{h_b} = \frac{0.700}{0.162} = 4$$

$$нб = 0.785 * 4 * \frac{0.946}{0.108} = 255 \text{ дона}$$

Битта сетканинг тўлиш вақти

$$T_0 = \frac{нб}{G} = \frac{255}{12} = 21 \text{ минут}$$

Автоклавдаги сеткалар сони

$$m_0 = \frac{30}{T_0} = \frac{30}{21} = 1,4 = 2 \text{ дона}$$

Автоклавдаги банкалар сони

$$Нб = 255 * 2 = 510 \text{ дона}$$

Автоклавни тўла ишлаш вақти

$$T = T_1 + T_2 + T_3 + T_4 + T_5 \text{ бу ерда}$$

T_1 - автоклавга сеткаларни юклаш вақти, 10 минут

T_2 - автоклавдаги хароратни кўтариш вақти, 20 минут

T_3 – сетирилизия вақти , 20 минут

T_4 – совутиш вақти, 20 минут

T_5 – автоклавдаги сеткаларни бўшатиш вақти, 10 минут.

$$T = 10 + 20 + 20 + 20 + 10 = 80 \text{ минут}$$

Зарур бўлган автоклав миқдори

